



Участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларни жиҳозлаш ва муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш





УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

Сайлов участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар участка сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.



Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига сайловдан **камида 11 кун олдин** тақдим этилиши керак.

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ўрнатилган тарзда жиҳозланиши ва қуидагиларга эга бўлиши керак:

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг ташқи қисмида ва ичида);
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);
- ❖ сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;



УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

Участка сайлов комиссияси учун камида 4 та хона ажратилиши зарур:

- 1 та хона комиссия раисига;
- 1 та хона комиссия раисининг ўринбосари ва аъзоларига;
- 1 та хона сайлов комиссияси котибига СЯЭР билан ишлаш учун;
- 1 та хона комиссия мажлисини ўтказиш учун.

**Истисно тарзида, бинодаги мавжуд имкониятдан келиб чиқсан ҳолда комиссия учун
3 та хона ажратиш мумкин, бунда комиссия аъзолари **мажлисини ўтказиш учун албатта**
кенг хона бўлиши шарт.**

- ❖ ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;
- ❖ қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;
- ❖ ёзув анжомлари билан таъминланган ва ёруғ (зарурат бўлганда чироқ ўрнатилади) яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та, 2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та, 3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та);




УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

- ❖ зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари;
- ❖ стационар сайлов қутиси;
- ❖ кўчма сайлов қутиси;
- ❖ пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан, 3 таси стационар сайлов қутиси учун, 1 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);
- ❖ участка сайлов комиссиясининг муҳри;
- ❖ зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;
- ❖ СЖБАТ талабларига жавоб берувчи иккитадан кам бўлмаган компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз Интернет алоқаси;
- ❖ кузатувчилар учун алоҳида жойлар;
- ❖ ёнғинга қарши воситалар;
- ❖ девор соат;
- ❖ овоз бериш куни учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхиясининг аудио ёзуви ва овоз кучайтиргич.



УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ



Участка сайлов комиссияси биносига кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

Участка сайлов комиссияси биносига 200 метр қолганда йўлнинг ҳар икки томонидан ҳар 50 метр масофада сайлов участкасига йўналтирувчи **кўрсаткичлар** ўрнатилиши керак.
(Кўрсаткич ўлчамлари: узунлиги 75 см, бўйи 25 смни ташкил қиласи.)

Участка сайлов комиссиясида юритиладиган қуидаги **иш юритиш дафтари ва жилдлари** бўлиши лозим:

- участка сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг жилди;
- кириш, чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш дафтари ва жилди;
- кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.



УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

Сайловчилар рўйхати стенди пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 60 см бўлиши керак. Ўлчами: эни 240 см, бўйи 165 см бўлганда, А4 ҳажмдаги 155 та варақнинг ҳар бирида 30 тадан жами 1600 та сайловчи рўйхатини сиғдириши мумкин бўлади. Сайловчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда стенд 2 та тайёрланиши мумкин.

1-стенд: сайлов санасига бағишланган плакатлар мисол учун “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ___ кун қолди” шаклида.

Стенд ўлчами: *стендинг пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак. Эни 60 см, бўйи 80 см бўлиши керак.*






УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

2-стенд: Участка сайлов комиссияси ҳақидаги маълумотлар стенди:

- ✓ сайлов участкаси харитаси;
- ✓ участка сайлов комиссияси иш жадвали;
- ✓ участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;
- ✓ участка сайлов комиссиясида сайловчилар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефоны ёки электрон манзили, округ сайлов комиссияси, тегишли туман шаҳар суди ва прокуратурасининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;
- ✓ овоз бериш тартиби;


! Сайловга оид инфографик кўринишдаги тушунтириш материаллари жойлаштирилиши ва стендларда жойлаштириладиган материалларда **сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.**





УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ЖОЙЛАШГАН БИНОЛАР ВА ХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

3-стенд: рўйхатга олинган номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури.



Изоҳ: Стенднинг пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак.



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ

Сайлов кодексига асосан фуқароларга сайловларда иштирок этиш борасида қатор қулайликлар яратиб берилган. Шундай қулайликлардан бири сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчига муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқининг кафолатланганлигидир.



Муддатидан олдин овоз бериш тартиб-таомилига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг овоз беришига асосланади.

Овоз бериш – ҳар бир фуқаронинг давлат раҳбарини сайлашдек Конституциявий ҳуқуқини реализация қилишнинг шаклидир. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги Сайлов кодекси билан кафолатланади.





МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганида бошланади

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугалланади



Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти **Марказий сайлов комиссияси** томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ НИМА УЧУН ЗАРУР?

САЙЛОВ КУНИ ФУҚАРО ЎЗ ЯШАШ ЖОЙИДА БЎЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛМАГАНДА (ТАЪТИЛ, ХИЗМАТ САФАРИ ВА ҲОКАЗО)

САЙЛОВ КУНИ ХОРИЖГА ЧИҚИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАНДА

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан муддатидан олдин овоз беришга камида 3 кун қолганида олади

Демак, сайловга 13 кун қолганда ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ бюллетенларни (жами сайловчиларнинг 5 фоизи миқдорида) участка сайлов комиссияларига етказиб бериши керак.




УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ЕТКАЗИШ

МУДДАТИДАН
ОЛДИН ОВОЗ
БЕРИШГА КАМИДА
3
КУН ҚОЛГАНИДА




Сайлов
бюллетенларининг
5% қисми



САЙЛОВ
КУНИГА КАМИДА
3
КУН ҚОЛГАНИДА



Сайлов
бюллетенларининг
95,5% қисми







МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Аризани расмийлаштириш тартиби



Участка сайлов комиссияси аъзолари аризани қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Сайловчи аризасида сайлов куни овоз бериш учун сайлов участкасига кела олмаслик сабабини (важ) кўрсатса, шу аризасига асосан муддатидан олдин овоз бериш имкониятини яратиб бериши шарт.

Аризага ҳеч қандай қўшимча ҳужжат ёки маълумот талаб этилмайди. Аризанинг ўзи етарли ҳисобланади.



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин овоз беришни расмийлаштириш



Муддатидан олдин овоз берадиган сайловчига сайлов бюллетени у томондан сайловчилар рўйхати кўчирмасига **имзо қўйилгандан сўнг** тақдим этилади.



УСК аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини **СЖБАТда ва сайловчилар рўйхатида** муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилаши шарт.



Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгисини қўйиб тўлдирилади. Тўлдирилган сайлов бюллетенини конвертга солади ва елимлаб ёпади. Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини **ёпиқ конвертда** УСК аъзосига топширади.




УСКнинг икки нафар аъзоси сайловчи ҳозирлигида конвертнинг ёпиқлигини текширади ва конвертнинг елимланган жойига УСК икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади. Конверт тегишли **УСКнинг сейфида сақланади**.



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин овоз беришни расмийлаштириш



Сайловчи сайлов
бюллетенини олганлиги ҳақида
тегишли участка сайлов
комиссиясининг камида икки
нафар аъзоси ҳозирлигига
сайловчилар рўйхати кўчирмасига
имзо қўяди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДАН КЎЧИРМА (муддатидан олдин овоз берган сайловчилар бўйича)				
_____ — сайлов округи 20 ____ й. « ____ » _____				
(сайлов санаси)				
САЙЛОВ УЧАСТКАСИ				
(сайлов участкаси жойлашган ер — қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳар, туман, вилоят, ҳарбий қисми)				
T/r	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Турад жойи	Сайловчининг сайлов бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси
1	2	3	4	5



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин овоз беришни расмийлаштириш



Участка сайлов комиссияси раиси ёки котиби телефон ёрдамида алоқага чиқиб округ сайлов комиссиясига сайлов участкасида муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони ҳақидаги маълумотларни ҳар куни муддатидан олдин овоз бериш жараёни тугаши билан соат **18.00-18.30** қадар етказиши лозим.

Ушбу муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони тўғрисидаги маълумотларни кечиктирмасдан **Округ сайлов комиссиясига** етказиб берилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.



Сабаб-ки, ўтган сайлов ва референдум жараёнларида сайловчилар муддатидан олдин овоз берган, лекин айрим УСК аъзолари муддатидан олдин овоз берган сайловчилар ҳақидаги маълумотни СЖБАТга вақтида киритмаганлиги сабабли, сайловчилар муддатидан олдин овоз бериш жараёни тугаганидан сўнг амалга оширилганга ўхшаб қолиш ҳолатлари учраган.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин овоз беришни расмийлаштириш



Участка сайлов комиссияси котиби **сайловга уч кун қолганида** ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охирги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка сайлов комиссияси раисига тақдим қиласи.



Ушбу рўйхатда мазкур сайлов участкаси бўйича муддатидан олдин овоз берган сайловчиларнинг Ф.И.О. рўпарасида **“муддатидан олдин овоз берди”** ёзуви турган бўлиши ва жадвалнинг “Жами” қисмида **“муддатидан олдин _____ - нафар сайловчи овоз берди”** – муддатидан олдин овоз берганлар умумий сони бўлиши лозим.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!**